

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



## Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИДИ  
Наим КАРИМОВ  
Иномжон МАЖИДОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Эркин АЪЗАМОВ  
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ  
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
Шуҳрат РИЗАЕВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Баҳодир КАРИМОВ  
Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ  
Муҳиддин ОМОН

## МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

Журнал

<1997 йил июндан>  
чиқа бошлаган

## Бош муҳаррир:

Аҳмаджон  
МЕЛИБОЕВ

## Таҳрир ҳайъати:

Муҳиддин РАҲИМ  
Назира ЖЎРАЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБ  
Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА

**НАВОИЙ САБОҚЛАРИ**

Алишер НАВОИЙ. Навоийнинг “Ёри азиз”и. (*Суйима Ғаниева шарҳи*). .....3

**НАСР**

И,ШОУ. Тиланчи ва ўғри. Роман. (*Рус тилидан А.Файзулла тарж.*). .....8

Э.М.РЕМАРК. Қарзга олинган умр. Роман. (*Рус тилидан Д.Собирова тарж.*). .....90

**ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ**

Ў.СУЛАЙМОНОВ. Шеърлар. (*Рус тилидан И.Отамурод тарж.*). .....81

**ПУБЛИЦИСТИКА**

А.МЕЛИБОЕВ. Одамнинг юзи. ....142

**АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА**

Қ.ЙЎЛДОШ. Поэтик ёлқин ёғдуси. ....180

**ҚИЁС ВА ТАЛҚИН**

Ислом ҳақида тўғри тасаввур уйғотадиган олимлар зарур. (*Рус тилидан Қ.Рўзматзода тарж.*). .....196

Муковамизда. ....204

Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. ....206



## ПОЭТИК ЁЛҚИН ЁҒДУСИ

Шоир, таржимон, публицист Шавкат Раҳмоннинг дунёдан ўтганига салкам йигирма беш йил бўлди. Элда: “Ўлдинг – ўчдинг”, деган эшитилиши совуқ, аммо ҳаққоний гап бор. Лекин чинакам истеъдод, йирик шахсият кўп асрлик мақолни ҳам янгилаши мумкин экан. Асл ижодкор дунёдан ўтгач ҳам номи ўчмаслиги, унинг чин бадий умри тана йўқликка кетгач бошланиши Ш.Раҳмон мисолида яққол кўринади. Гарчи, унинг китоблари тез-тез босилиб турмаган бўлса-да, битиклари дидли шеърхонлар томонидан энг кўп ўқиладиган поэтик асарлар сирасига киради. Умидли ёш ижодкорларнинг истисносиз барчаси шеърият майдонига Шавкат Раҳмон мактаби орқали келиши тобора аён бўлиб бормоқда.

Умр вафо қилганда, ўтюррак шоир бу йил етмишга кирган бўларди. Яшаган қирқ олти ва ёзган ўттиз йил мобайнида ўқирман ҳамда ижодкорларнинг эътибор, эътироф ва муҳаббатини қозониш учун истеъдодли бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўзгаларни чинакамига сева билган одамгина бошқаларнинг севгисига сазовор бўлади, уларни ўзига эргаштиради. Сиртдан кўзга ташланмаса-да, Шавкат Раҳмоннинг шеъриятида одамга чексиз муҳаббат ёлқинланиб турарди. У, умуман, одамни, хусусан, миллатдошларини юксак инсоний фазилятлар эгаси бўлган шахс сифатида кўрмоқ истайди. Лекин уни ўраб турганлар истаганидай кимсалар эмаслиги шоирда адоқсиз изтироб уйғотади. Шавкат шеъриятида кўп учрайдиган нафрат ифодаси аслида оташин муҳаббат берган мевалардир.

\* \* \*

Ижод тажрибасидан маълумки, асл шеърият муҳаббат ёки нафратдан туғилади. Шавкат Раҳмон битиклари аксар ҳолларда адолатсизлик, ёвузлик, олчоқлик ва хиёнатга адоқсиз нафрат туфайли пайдо бўлган. Шу босидан улар – жисмни тобловчи оғриққа, пўртанавор руҳий тўлғоқлар ва шамширдай кескир фикрлар ифодасига тўла. Шавкатнинг шеърлари кишини ўйга толдиради, изтиробга солади, руҳий оғриқларга дучор қилади.

*Зулфиқор руҳ керак,  
керак чин ёғду,  
чин ишқ ёлқинлари бағримга тўлсин,  
жисмимни тобласин фақат чин оғриқ.  
чечаклар қоп-қора бўлса-да, бўлсин...*

Чин сўз, чин туйғу, чин амалларга доимий интиқлик чин шоирлик белгиларидандир. Юқоридаги мисралар Шавкат Раҳмонни бошқа минглаб дардчил шоирларга яқин қилади. Шу билан бирга, айти шу мисралар Шавкат Раҳмон деган бадий феноменнинг бошқалардан фарқ қиладиган жиҳатларини ҳам намоён этади: шоир “зулфиқор руҳ” истайди. Унга шунчаки қониқмаслик, шунчаки норозилик, руҳнинг шунчаки инжиқлиги хос

эмас. Шоир инсоний комиллик, одамий тўқислик йўлида қатъият, эркакча амаллар лозимлигини чуқур англайди. Шу боис ҳеч ким айтолмайдиган йўсинда: “Борми эр қизлар?” дея савол қўяди. Одам эр бўлгандагина ер бўлмаслиги шоирнинг барча асарлари замирига сингдирилган юксак туйғулардан биридир.

Шавкат Раҳмон шеърляти ташки эффектларга унчалар бой эмас. Чунончи, шоир шеърларида ўзбек назми учун одатий бўлган тўқ кофия жуда кам учрайди. Бу шунчаки тасодиф эмас. Шавкат муסיқий мутаносибликдан, киши туйғуларини аллалаб чалғитадиган назмий оҳангдорликдан атай чекинади. Киши юрагига бехато етиб борадиган, кескир қиличдай теккан жойини ўйиб оладиган залворли ва қиррадор туйғуларни ўшанга монанд йўсинда ифода этади. Шеър тўқ кофиясиз бўлса, кишини аллаловчи муסיқийлик унчалар кучли бўлмайди. Шеърлий сўз залвори мисралардаги умумий оҳанг оғушида йўқолиб кетмайди ва ўқувчи уни алоҳида идрок этиш имконига эга бўлади. Ш.Раҳмон битикларида товушларни ўйнатиб, ҳиссиётининг нозик қирраларини титкилаб сўздан олов чиқаришга эмас, балки ўз-ўзидан гуркираб оловланиб турган руҳнинг ҳароратини, пориллаб ёнаётган туйғуларнинг алангасини ифодалашга ярайдиган сўзларни кидиради. Шоир ҳаёти мобайнида ёниб яшади ва бундан малолланмади, аксинча: “Ёнмоқлик мунчалар ёқимли!” дея хузурланди.

Шавкат бир умр кескир зулфиқор руҳнинг ёркин манзилларига етиб боришга астойдил интилиб яшади. У руҳдагина озодлик, ҳурлик бўлишини, руҳнинг фароғатсизлигигина маънавий лаззат бериши мумкинлигини чуқур англаган инсон, буни туйган ва туйдигини ифодалай билган шоир эди.

Чинакам шоир ҳамиша йўл кишиси. Фақат бу йўл жуғрофий эмас, балки руҳий манзиллардан ўтади. У гуноҳларга ботган заминдан орзудаги юрт – эзгулик тантана қилган афсонавий маскан сари отланади. Бу йўлнинг машаққати кўп, озори чексиз, фароғат эса фақат мўлжалда. Лекин уйғоқ қалб жозибатор маскан – эзгулик сари чорлайверади. Шоир бу йўлга юрмоқчи бўлган киши қалтис лаҳзаларда панд бериши мумкин бўлган энг буюк душмани – хиёнатни ўлдириши лозим деб билади. Чунки хоинлик, хиёнат, қўрқоқлик каби иллатлар билан кураш йўлига кириб бўлмайди:

*Йўлдир бу,  
нафсининг ботқоғи эмас,  
қиличнинг дамидай чақнаган йўлдир.  
Бу йўлга юзингни буришдан аввал,  
ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир.*

Адолат йўлидаги машаққатлар қанча бўлмасин, шоирни қўрқитолмайди. Уни “улкан соат ўртаси” – ўтмиш, бугун ва келажак орасида аросатда қолиб кетиш, тишлари ўткиру ҳислари тўмтоқ каслар билан яшаш хавфи чўчитади. Бундай касларни шоир “қашқирлар” деб билади. Шавкатнинг нурли манзиллар сари чинакамига отланган йўловчи экани саодат қарор топиши мумкин бўлган мангуликдан ҳам наридаги хаёлий маскан – Ўшга тийиксиз интилишида намоён бўлади:

*Улкан соат ўртасида  
Мадорим йўқ юрмоққа,*

*Қашқирлар даврасида  
Судраламан турмоққа.  
Шунда қолиб кетсам гар  
нетамиз?  
Абадият оралаб  
Ўшга қачон етамиз?*

Шавкат Раҳмон: руҳи кескир шоир, шу сабаб сўзи, образлари, таш-биҳлари кескир ва қонталаш. Унинг сўрашишга узатилган қўли ҳам ўрни келса, “...тигдай ялтираб кетиш”га қодир. У: “...тилим қонар кескир сўзлардан”, деб айтишга маҳкум ижодкорлардан. Унинг тигли сўзларидан нафақат тили, балки дили, руҳий олами тилка-пора бўларди. Сўзки шунча оғрикли экан, бу сўзларни юзага келтирган туйғулар қанчалар азобли бўлса! Буларни туймоқ ва чўчимай, ҳеч кимни аямай айта олмоқ учун қанчалар жасорат керак бўлса! Шоирнинг: “...билмоқчи бўлсангиз агар шоирлик жасорат сўзининг таржимасидир”, деган сўзларида зарра қадар чираниш, зўриқиш йўқ. Шоир дунёни тозаломоқ, уни такомиллаштирмоқ бўлади. Асли ҳар қандай чин шоир шу ниятда қалам суради. Ана шундай улкан ва вужудга сиғмас туйғуга эгаликкина одамни илоҳий сўзга ошно этади:

*Каттароқ очилсин барча дераза,  
шамоллатиш керак  
дунёни бир оз.*

Қалби безовта, руҳи уйғоқ шоир дунёни ўзиники билади. У – дунёга ҳам хўжа, ҳам хизматкор. Шу туфайли Шавкатнинг юқоридагидай даъватлари эриш туюлмади. Чунки очун – унинг ўз мулки. У – дунёнинг чин эгаси. Эгаси бўлгани учун ҳам унинг тозалиги ҳақида бошқалардан кўра кўпроқ қайғуришга ҳам бурчли, ҳам ҳақли.

Шавкат Раҳмон тамомила ўзига хос шахс бўлгани боис олам манзаралирини мутлако ўзгача кўрадиган, ўзгача туядиган, кутилмаган ҳаётий ходисалар замиридан фожиа топа биладиган шоир эди. Унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам бошқаларникига ўхшамасди. Унинг шеърларини ўқиган кишида шоир умр бўйи ўз бахтидан хижолат чекиб, омад ва оромидан уялиб яшаган, деган ўй пайдо бўлади. Олам тартиботининг нотугаллиги, одамнинг нокомиллиги, жонини тиккани – Ватаннинг обод эмаслиги, ҳаётини бағишлагани – миллатнинг норасолиги, инсонлар руҳиятининг бу қадар чиркинлашгани шоир қалбини тигдай яралайди. У ватани ва миллатининг аҳволи учун хижолат чекади, ўзини айбдор сезади. Шу боис у бахт ҳақида гапиришдан, енгил, роҳатбахш ҳаволарда куйлашдан оғринади. Қуйидаги сатрлар шу ҳолат ифодаси:

*Ғам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,  
бахт сўзин айтаман,  
элдан кейинроқ.*

Шавкат миллатининг ҳозирги одамлик ва одамийлик даражаси билан келишмай яшади. Менимча, у одам сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам жангари эмас, лекин муросасиз эди. Шу боис унинг битганларида чир-

кинликка исён, инкор, ёзғириш; ёруғлик, тозалик ва кенгликка интилиш кучли эди. Унинг зулфиқор рухга интилиб, интиқ бўлиб яшаши шундан.

Шавкат Раҳмон излаган, кўним топган зулфиқор рух манзиллари ҳақида фикрлаш кишини унинг мураккаб шеъриятини бир қадар англаш имконини беради. У шеъриятга ҳеч қачон кўнгил эрмаги, рухнинг инжаликларини намоён этиш воситаси, деб қарамаган. Унинг учун шеърият ҳаёт-мамот масаласи эди. Шоир ўзининг зулфиқор руҳи бош уриб борадиган кўнгил, миллат, ватан сингари манзиллар ҳақида ёниб ёзарди.

Шоир кўнгил ювилмагунча, покланмагунча, одам ўзгармаслигини, одам ўзгармагунча олам тароватли бўлмаслигини туйгани боис ёзади: “*Бир ёмғир истарлар, ғассол истарлар...*”. Ўз кўнглини поклаб юксалтиролмаган миллатнинг юксалиши мумкин эмас. Одамнинг одамлигини, элнинг эллигини кўнгил мартабаси ҳал этади. Шавкат Раҳмон кўнгилнинг ўлмаслигини, абадийлигини, яратувчилигини шундай ифодалайди:

*Мендан нима қолур,  
абадий нурлар  
барқ уриб яшнаган дунё томонда?  
Уриниб-суриниб сира тўлмаган  
бир кўнгил қолади  
қолса ҳам мендан.*

Дунёнинг мавжуд тартиботидан шоирнинг нозик кўнгли сира тўлмайди. Чунки одамзот тўла комил бўлмаган оламда шоир кўнгли тўлиши мумкин ҳам эмас. Шу боис у ўз кўнглини қонталаш қилиб бўлса-да, ўзга кўнгилларга етиб бормоқ, уларни нафсининг исканжасидан қутқармоқ, юксак аъмоллар ҳақида ўйлашга мажбур этмоқ истайди:

*Фақат шиқ...  
Фақат шиқ...  
Бошқаси сароб,  
Бошқаси шамолнинг оний сурони, –*

деб ёзади шоир “*Муножот*” шеърида. Чиндан-да ўзини таниган, қалбини тафтиш қила оладиган одам учун ишқдан бошқаси, кўнгилнинг юксак интилишларидан ўзгаси ўткинчи ва омонат. Аммо ҳамिशалик қадриятни ўткинчи ҳавасларга алмаштиришга ҳозир бўлган каслар саноксиз. Бундайлар ҳақида: “...*тафаккур сасиган, руҳлари сўлган*”, дейиш адолатдандир. Шавкат Раҳмон фақат тирикчилик кўйига тушиб, кўнглини буткул унутган инсон сезимларини уйғотишга, унинг ҳам одам эканини, аввало, унинг ўзига эслатиб кўйишга уринади: “*Узоқроқ тикилгин ўзингга, одам!*” “...*ахир, вужуддамас, қалбадир қувват*”. Шоирнинг кўнгли – ўта нозик ва сезгир. Шу боис ҳаётдаги жиндай адолатсизлик, андаккина зуғум уни мувозанатдан чиқаради, юрагида чандиқ қолдиради:

*...ҳақорат – хотирга санчилган найза.  
Сезаман, поёнсиз қоронгиликда  
чинқириб ўсади хўрланган майса...*

Шоир истайдик, кўнгил майсаси зўрлик кўрмай, шодумон ўссин. Асли шу таъсирчан, яланғоч ва ҳимоясиз кўнгил хоссалари одамни шоир-

га айлантиради. Мўъжазгина кўнгилнинг дардлари, оғриқлари қанчалик улкан бўлса, шоирнинг истеъдоди ҳам шунга мутаносиб йирик бўлади. Баланд кўнгилга эга бўлгани учун ҳам Шавкат Раҳмон ғурур билан:

*Маним кичик кўнглим,  
ай, шоир кўнглим,  
нокаслар раъйига тушмаган кўнглим!..*

деб айта олганди.

Шавкат Раҳмоннинг “зулфиқор рух”ияти безовталаниб изарлаган иккинчи манзилдан миллат жой олган. У “Иқроор” шеърда ёзади:

*Мен жангчи эмасдим,  
мен шоир эдим,  
ниҳоят шоирдан кўра зобитман,  
ҳар нафас мусулмон миллатим дедим,  
нафсига куйганлар келди оқибат.  
...япроқдай сарғардим буюк урушда  
мусулмон йўқ эди,  
йўқ эди миллат.*

Шавкат Раҳмонни шоир қилган ҳам, уни адоқсиз ғамбодалик қучоғига итқитган ҳам ўз миллатига чексиз муҳаббат туйғуси эди. Шоирнинг туйғулари – эркакча. Унинг муҳаббати чучмал навозишлардан йироқ. Тўғри, у миллатини суяди, лекин ўйсиз, кўр-кўрона, ҳисобсиз, тафтишсиз эмас. У миллатнинг хор бўлиши ҳам, юксалиши ҳам унинг ўз қўлида эканлигини англайди ва шоирнинг бу сезими, қаноати деярли барча шеърларида акс этади:

*Вой, одам,  
Вой, итнинг калта оёғи,  
Кўзингда қайнайди ажиналаринг,  
Худодан сўрайман эс-ҳушим оғиб,  
Тезроқ тугасайди ганжиналаринг.*

Ўзидан, кўнгилдан, қадрдан беҳабар, умрини нафси йўлида ганжина кидириш ва йиғишга сарфлаган миллат итнинг кейинги ҳамда “калта” оёғи бўлиб қолиши, бундай каслар тўдасини нафсидан бўлак нарса қизиқтирмаслиги фожиаси шоирни ўртаб юборади. Бу ҳолат унга ўзигагина хос ўқтамлик билан:

*...бутун борлиги-ла хомашё юртда  
мен ҳам одамзотнинг хомашёсиман*

дейиш имконини беради. Чунки тирик юришнинг ўзигагина одамликни белгиламайди. Инсонлик мартабасини кўнгил билан, амал билан қозониш керак. Одам деган табаррук ном даражасига юксала олмаганлар одамликнинг хомашёси бўлиб қолаверади. Қорнидан ўзга ташвиши бўлмаган миллати ҳақида ўйга ботган шоирнинг юрагини кемирган туйғулар залвори кишини даҳшатга солади.

Шавкат Раҳмон ижтимоий лирикасининг энг сара намунаси бўлмиш “Туркийлар” шеърисида асосий этник белгиси: бошсизлик ва бирикмаслик бўлган туркий халқларнинг фожиаси лахта-лахта қонга айланган шоир юрагининг аччиқ фарёди тарзида ифода этилади:

*Туркда бош қолмади...  
қолмади довлар...  
...Тугилди,  
Тугилди,  
Тугилди қуллар...*

Шоир бу ҳолат билан муроса қилмоқчи эмас, албатта. У миллат-дошларининг қусурларини айтиш билан шоирлик миссиясини битган ҳисобламайди. Шоир миллатини чинакамига уйғотмоқ истайди. Шу сабабли ҳам:

*Борми эр йигитлар,  
борми эр қизлар,  
борми гул бағрингда жўмард нолалар,  
борми бул туффроқда ўзлигин излаб,  
осмону фалакка етган болалар.  
Бор бўлса,  
аларга етқариб қўйинг,  
бир бошига бир ўлим демаган эрмас,  
шаҳидлар ўлмайди бир қараб туйинг:  
ёвга терс қараган мусулмон эмас,  
ёвга терс қараган мусулмон эмас,  
ёвга терс қараган мусулмон эмас,  
ёвга терс қараган мусулмон эмас,  
ёвга терс қараган мусулмон эмас!!! –*

дея ҳайқиради. Кўнгилнинг туб-тубидан руҳиятни долғалаб, вужудни кўпориб келгувчи шундай шеърни битган одамнинг узоқ яшаши қийин эди. Эътибор қилинг: “Бор бўлса, аларга етқариб қўйинг”, дейди шоир. Нега “етқазиб” эмас, “етқариб?” Бу ўринда жарангли “з” товуши воситасида пайдо бўладиган оҳанг шоирга мазмуннинг залворига мос келмайдиган даражада мулоимдай туюлади ва фикр таъсирчанлигини янада ошироқ ниятида титроқ “р” соноридан фойдаланади.

Ш.Раҳмон миллат олдида масала қўйишга, бугун ўзбекнинг аждодлар тарихига муносиб яшай олмаётганлиги сабаби ҳақида ундан сўрашга, ўринли жавоб ололмагач, эли тийнатидаги иллатларни шафқатсиз тарзда очиб ташлашга ўзида куч ва ҳақ топади:

*Эй, элим,  
қачондир бир гала бедил  
кўксингдан дилингни суғурган маҳал  
нега шол юзингни бурдинг тесқари,  
нега тирик қолдинг ичмасдан заҳар?!*

Миллий шеърятимиздаги халқ тасвирга тортилган битикларда омма хамиша жабрдийда, қурбон тарзида кўрсатилиши одат тусини олган бир



вақтда, итоаткорлик, мунглилик, бечоралик, муштипарлик миллат учун фазилат эмас, балки иллат эканини фақат уни астойдил суйган ва унинг учун чинакамига куйган фарзандгина очик айта олади. Шавкат миллатнинг ўзини ҳам қотил, ҳам мақтул деб билади. Чунки қуллик ўлим бўлса, қулликка кўникиш ўзига нисбатан қотилликдир. Шоирнинг ўзбекларга кейинги иддаоси янада каттарок. У “*Кенглик соғинчи*” шеърда ёзади:

*Эй беклар,  
заҳар ич – ўзбегинг қолиб,  
ўзгага бўйсундинг,  
ўлганинг шулдир.  
Шунданми бошида теридан қолип  
Саксовул сингари майшиган будун...*

Шавкатнинг миллат ҳақидаги шеърлари фақат мазмун кўлами билан эмас, балки ифода тарзи билан ҳам ўзига хос ва ўта таъсирлидир. Бу йўлдаги шеърларда шоир шахсиятига хос сифатлар ёрқин намоён бўлади. Туйғулар ўзининг энг мувофиқ ва энг маъқул ифода шаклини топади. Шоирнинг миллатга қарата: “...ўлар бўлсанг, озодлардай ўл, қолар бўлсанг, энди бириккин”, тарзидаги хитоби ўқувчини сескантиради, ҳаётининг маъноси ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Айни вақтда бу фикрларнинг ифода йўсини ҳам оригиналлиги билан эътиборни тортади.

Ш.Раҳмон олам манзараларини, тафаккур хулосаларини тамомила ўзича идрок этади. Шунинг учун ҳам:

*...эрилган нарсалар тегар гашимга...  
эрилган бошларни  
қиличлар кессин, –*

дея ўзбекнинг кенг тарқалган машхур эскирмас мақолини ҳам инкор қилади. У ҳар бир ўзбекнинг одамга муносиб тарзда мағрур бош кўтариб яшашини орзулайди. Шунга интилмаганларни кечиргиси келмайди.

Шавкат Раҳмоннинг зулфиқор руҳи безовта кезиб, сарсари истаган яна бир манзил ватан эди. Шоирнинг ватанга муҳаббати чегара билмайди ва у қақриғу ундовлардан иборат эмас, у ҳаракатга, амалга қобил: “...шоир юрагимни юлиб берардим, биргина Туркистон деган сўз учун”. Айни вақтда у ватан туйғусини ўз вақтида, етарли кўламда англамагани учун ўзидан ёзғиради, чуқур изтироб чекади. Шоир ватанни англаш йўлида ҳеч кимни, жумладан, ўзини ҳам аямайди. Шу боис: “*Сендан-да улугроқ нарса йўқлигин сочим оқарганда англадим, Ватан!*” дейди ўкинч билан. Ватан ҳақидаги тўхтам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳар киши ўз ватанини яшаб ўтиши керак. Шоир ватанини ичига жойлагунча, ичдан кечиргунча, уни умри билан яшаб ўтгунча, сочи оқарди. Шавкат ватанда ватансизлик аламларини чуқур туйган ва бу сезимларини ижодига сингдирган шоир эди. Шунинг учун унинг ватаний шеърлари кутилмаган хулосалар, илмоқли саволлар, фавқулодда образлар ва одамни хушёр тортирадиган ташбихларга бой:

*...ахир ўз еримда дайдиб, чанқаган  
шўрлик мусофирман,  
улуғ мусофир, –*

деб ёзади “Бузилган деворлар” шеърида. Бу улуғ мусофирнинг андуҳлари қанчалар улуғ бўлганикин? Ўзини билган одам учун ўз юртида мусофир бўлишдан ҳам ортиқроқ азоб бормикин? Бундай каслардан иборат оломон яшаган ватаннинг йитишини шоир “Шохрух Мирзо суҳбати” шеърида шундай ифодалайди: “Эрк қани, эр қани, асл ер қани?” Шу белгилари бўлмаган масканнинг ватан, унда шу белгиларни бор қила олмаган қавмнинг эру, элу, миллат аталмоққа ҳаққи борми? Бундай юртда одамдай яшаш мумкинми?

*Юртми бу,  
ганимдан қолган маломат  
ё иғво қутиси  
билмай ўтарман.*

Шу ўйлар шоирни тинимсиз безовта қилади. У ватанда ватансизликка кўниккан, ўз ўрнини, ўз холини билмаган миллат аҳлидан озурда бўлади. Қалби уйғоқ шоирга шонли аждодлар руҳининг безовталиги аён:

*Буюк руҳ чинқирар...  
Демак, бор,  
баҳайбат зулм бор ҳали,  
ҳали бор одамни қувган овчилар,  
шундан донишлари овсару далли,  
ўғрига айланган доно тожирлар  
шундан чумчуқюрак пошшолари гунг,  
фақирлар кўниккан бало, қаҳатга,  
шундан водийларда ўсиб ётар мунг,  
ҳаттоки булбуллар ўхшар калхатга.*

Шавкат ватаний туйғуларини аяб-авайлаб ифода қилмайди. Чунки у холис кузатувчи ёки сермулозамат мезбон эмас. У – шу ватан фарзанди ва унинг эгаси! Чин фарзанд сифатида арзон хайрихоҳлик, чучмал муҳаббат улашувни эмас, руҳни уйғотувчи, ҳиссиётни сергаклантирувчи қиличдай кескир, қамчидай ботгувчи, қалампирдай аччиқ ҳақиқатнинг залвори билан Ватан вужуди ва ватандош руҳиятидаги зангларни кўчирмоқ истайди. Унинг муҳаббати чексиз бўлгани каби дашномлари ҳам жон олгулик:

*Ватаним дейману, бағрим қон бўлар,  
бу қандай ватанки,  
хоки бирикмас,  
буюк Турон кенгликлариди  
уруғлар бир-бирин еди тириклай...*

Ўзини ўнгламаган, эркига эга бўлмаган, қаддини тикламаган ватан ўликдир, унинг аҳли кулдир, деган фикрга келади шоир. Буни ватаннинг забун аҳволи тасвири орқали ифода этади: “Турон кенгликлари соригдан сориг, Улкан бир ўлакса ётгандай гўё...” Забун ватан, аввало, содиқ фарзандларини кадрламайди, асрамайди. Куллик кадрсизликдан бошланади. Ватан йўлида тўкилган қоннинг асл баҳосини билиб, ўлчайдиган зот йўқ. Шу боис: “Жоним жуда арзон... Жудаям арзон, Арзондир бу юртда

тўқилган қонлар...” Ш.Раҳмон кўнгил, миллат ва ватан ҳақида ҳамиша андуҳли ёзарди. Аммо улар ёруғ манзилларга интилган некбин солиқнинг андуҳлари эди. Шу маънода, шоир келган тўхтама айна ҳақиқатдир:

*Порлар тошга дўнган сўзларим,  
порлар мангу одамий руҳим,  
порлар Ҳаққа ташина кўзларим,  
Ҳудо берган мангу андуҳим,  
ёруғ андуҳим...*

Шавкат Раҳмон шеърларини синчиклаб ўқиган одамга шоир тирик эканлигидан, бу ҳаётда яшаётганидан хижолат тортаётгандай туюлаверади. Бу ҳол унинг битганларида бот-бот бўй кўрсатади: “*Кўпроқ яшаб кўйдим шекилли*”, дейди бир шеърда. Шоир норасо элни, нораво ватанни ташлаб кетишга шошилиб яшагандай... Шунданмикин киши Усмон Носирни оқсоқол сифатида кўз олдига келтиролмагани каби Шавкат Раҳмонни ҳам етмиш ёшли оқсоқол сифатида тасаввур қила олмайди. Бутун бир миллату ватаннинг зил дардини ортмоқлаган мажруҳ кўнгил билан шунча йил йўл босиб бўлмайди, албатта.

Кўл урган ишига астойдил киришадиган Шавкат шоиргина эмас, ҳалол ва заҳматкаш таржимон ҳам эди. Унинг заҳматкашлиги шунчаликки, ижодига меҳр қўйган Лорканинг шеърларини олдин русчадан ўзбек тилига ўгириб кўрди. Лекин севимлиси Лоркани эмас, балки унинг таржимонларини таржима қилаётганидан қониқмай, атай испан тилини ўрганди. Натижада таржималарида испан шоири шеърларининг маъносинигина эмас, унинг оҳанги, ифода йўсини, табиий стихиясини ҳам бера олди. Шавкатнинг айнан Лорка шеърларига муҳаббат қўйиши ҳам бежизга эмас. Чунки Шавкатнинг ўзи каби Лорка учун ҳам шеърят фақат кўнгил ҳолатлари ифодаси эмас, балки озодлик, эрк, гўзаллик, бахт сингари эзгу инсоний сифатларга эга бўлиш учун курашиш воситаси эди. Лорканинг: “*Зиддиятли давримизда ижодкор халқ кулса кулиб, йиғласа йиғламоғи, ўз бинафшаларидан воз кечмоғи, белигача ботқоққа ботиб бўлсаям бинафша излаётганларга кўмаклашмоғи шарт*”, тарзидаги ёндашуви шоир Ш. Раҳмоннинг ҳам шахслик белгилари эди. Лорка чин ижодкор ўз бинафшаси (бахти, деб ўқинг)дан воз кечиб бўлса-да, халқ бахти учун курашаётганларга ёрдам бериши керак, деб ҳисобларди.

Шавкат испан шоирининг шеърларини ўгирибгина қолмади, балки бу шеърятни жозибали қилган омилларни илмий тадқиқ ҳам қилди. Зеро, бу омилларни англаб олмай туриб, кўнгилдагидай таржима қилиш мумкин эмасди. У Лорка битикларига хос қирралар ҳақида: “*Лорка ҳам ёзма, ҳам оғзаки маданиятнинг ижобий фазилатларини ўз ижодида омухта қилган. Ёзма маданият, яъни Сервантес, Лопе де Вега, Луис де Гонгорадан жисмлар ва туйгуларнинг тартибсиз дунёсини уйғунлашган дунё сифатида тасаввурлашни ўрганган бўлса, оғзаки маданият, яъни испан халқ қўшиқларидан табиатнинг ҳар бир унсурини жонлаштириши хусусиятини ўзлаштиргандир. Бундан ташқари испан халқ қўшиқларига хос бўлмиш яна бир хусусият – ранглар ва ўсимликлар тамсилдан жудаям унумли фойдаланган*”, деб ёзади.

Лорка шеърятда испан ёзма ва оғзаки адабиётига хос хусусиятлари уйғунлашувининг поэтик натижаларини ўзбек тилида бериш учун

Ш.Раҳмон испан фольклорига тегишли жиҳатлар билан ҳам бир илмий тадқиқотчи даражасида чуқур шуғулланади. Натижада испан халқ оғзаки ижодидаги етакчи рамз ва образлар тизими ҳамда уларга юкланган маънолар қаторини аниқлаб чиқади. Ўзбек шоирининг қуйидаги тўхтамини унинг испан фольклорига хос хусусиятларни нечоғлиқ теран ўргангани ва чуқур англаганидан далолат беради: “...испан халқ қўшиқларида сиёҳранг – мотам; бинафшаранг – жудолик, хотира, садоқат; кўкранг – мангулик, ҳақиқат, адолат, сабот; яшилранг – омад, ҳиссиёт; оқранг – ўлим, мангулик, эътиқод, озодлик; кулранг – қайғу; сариқранг – қуёш, буғдой, қувват, илҳом, шухрат; қизил – қаҳр, қон ранги, изтироб, эҳтирос, гурур рамзидир. Ўсимликлар: заранг – соф ишиқ; гулхайри – алам, маҳкумлик, хиёнат; терак – мағрурлик; бодом – назокат, бевақт ўлим; сабур – оғриқ, қизгалдоқ, таскин, оний умр, бекор тўкилган қон; қушқўнмас – азоб, сарв – қабристон дарахти, қайғу, мотам рамзи; чиннигул – завқ-шавқ; ёсмин ёки суман – садоқат, назокат рамзидир”.

Шавкат Раҳмон Лорканинг “Испан жандармлари ҳақида романс” шеърларидаги эрка ташналик, зулму зўравонликка адоқсиз нафрат туйғусини испан поэзиясига хос унсурларни сақлаган ҳолда ва айна вақтда ўзбек шеърхонига ҳам таъсир қиладиган йўсинда ўгирди. Шеърда табиатнинг осуда ва гўзал манзараси чизилар экан, испан шеърлятига хос бир-икки чизги билан жандармларнинг ёвуз нияти ҳамда шафқатсизлигига ишора қилинади:

*Яланғоч бод гир айланар  
бир чеккада шоду мафтун:  
нуқра каби оппоқ-ойдин,  
чиройли тун, ажойиб тун.*

Лорка туннинг ёқимли ва жонбахш манзарасини чизар экан “оппоқ-ойдин” ташбиҳи воситасида тун бағрига ўлим кириб келаётганига ишора қилади. Шеърнинг кейинги бандларидаги “Туни билан ўқ товшидан таранглашиб турди ҳаво” тарзидаги сатрлар гўзалликнинг аёвсиз топталишини англатади. Ҳолатни зидлаш шеърнинг таъсир даражасини кескин оширади. Адолат, шафқат туйғуларидан йироқ жандармларнинг ёвуз амаллари қора туннинг янада қорайишига сабаб бўлгани қуйидаги сатрларда яққол ифодаланади:

*Жандармлар изғийди оч  
тунга тагин экиб олов,  
гулхан ичра ёнар ўсмир  
ва яланғоч гўзал хаёл.*

Лорканинг деярли барча шеърларига хос табиат кўриниши билан инсон руҳияти ўртасидаги қарама-қаршиликни кўрсатиш усулига хос жиҳатларни таржимон ўзбек тилига ҳам бор жозибаси билан кўчира билган. Шоирнинг “Севилла йўлида Антонито эл Камборонинг ҳибс қилиниши” шеърларида шундай ҳолат ҳам маҳорат билан акс эттирилган:

*Кифтларида шомни судраб,  
уфққа аста қайтади кун  
тореродай пўшин ёйиб,  
қора тортар баҳрул очун.*

Содир бўлажак фожиадан олдин ташқи дунёнинг гўзал, жозибали ва сокин кўриниши берилиши поэтик тасвирнинг таъсир даражасини оширишга хизмат қилади.

Лорка “Қатл” шеърида азоб рамзи бўлмиш қушқўнмас тафсилидан фойдаланиб, қатл этилган аёлнинг аянчли ҳолатини бутун даҳшати билан акс эттиради:

*Қушқўнмасда қолган қушдай  
чайқалади жисми дорда.  
Ва кесилган бармоқлари  
ўйнай бошлар тоштахтада –  
сажда қилиш учун қўлга  
бириқмоқчи бўлар қайта.  
Кесволинган икки кўкрак  
тағларидан икки хунук  
кичик осмон кўринар ҳам  
томчилар қон аралаш сут.*

Шоир аёлнинг бунчалар шафқатсизлик билан қатл этилиши сабабини кўрсатиб ўтирмайди, қатл манзарасининг ўзи шеърхонда шу ҳолат ва уни юзага келтирган кучларга нисбатан адоқсиз нафрат уйғотадики, Шавкат Раҳмон шоирнинг айти шу бадийий ниятини таржимада ҳам юзага чиқара билган.

Испан шоирига хос бетакрорлик, образлар ва рамзларнинг мураккаб тизими, ташбихлар оригиналлиги Ш.Раҳмон таржималарида сақланиб қолганини “Ишқдан ўлган ўсмир” шеъридан олинган қуйидаги мисралар мисолида кўриш мумкин:

*Ой – саримсоқ бўлагидай –  
бўзариб марг қийноғидан,  
ташлар сариқ жомминорга  
сарғиш сочлар қўнғирогин.*

Инсон ҳаётининг сариқ чақачалик қиммати бўлмаган шароитда ишқ домига илинган хаёлпараст ўсмирнинг фожиали қисмати чигал миллий рамзлар оғушида таъсирли акс эттирилган. Бизда гўзаллик ва эзгулик тимсоли бўлмиш ой – Лорка учун ўлим рамзи. Қаригани боис нимтага айланган ой шоирга саримсоқ бўлагини эслатади. Унинг бўзарган туси эса ўлим қийноғи натижаси. Ойнинг хира кирчимол ранги сариқ жомминорга ташланган ёқимсиз сариқ сочдай тасаввур уйғотади. Таржимон шеърда акс этган бундай фожиали ҳолат ифодасини ўзбекчада ҳам маҳорат билан бера билган.

Ш.Раҳмон Лорка шеърларининг маъно-мазмунинигина эмас, балки шоирнинг ўзигагина хос тимсоллар тизими ва жўшқин оҳангини ҳам ўзбек тилида жаранглатишга эришган. Шавкатнинг таржимонлик маҳорати, бегона тилдаги тимсоллар тизимини ўзбекчага зиён-заҳмат етказмай ўгира олиш салоҳияти испан шоирининг “Ўлимга маҳкум этилган ҳақида романс” шеъридаги қуйидаги сатрларда яққол кўзга ташланади:

*Сойнинг оғир новвослари  
ойнинг мавжли мугизлари*

*узра қувнаб чўмилаётган  
болаларни туртиб сузар.*

Бирор ўзбек шоирининг ойли тунда тўлқинланиб оқаётган сойда чўмилаётган болаларни бундай тасвирлаши мумкин эмас. Мабодо шундай тасвир дунёга келганда ҳам бирор ўзбек ўқирмани уни кўзда тутилган маъносида қабул қилмаган бўларди. Чунки бизнинг таъсирланиш ва фикрлаш йўсинимиз бўлакча. Ш.Раҳмон испанлар ҳаёт тарзи, фикрлаш борасидаги ўзига хосликни нозик илғаб, уни ўзбекчада ҳам бера билган. Неча юзйилликлар мобайнида кутурган буқа билан одам ўртасидаги аёвсиз жанг ифодаси бўлмиш коррида томошаси руҳида ўсган, мотадорларга чексиз ҳавас билан қарайдиган испанлар учун сойдаги йирик тўлқинларнинг новвосларга, ҳар тўлқинда ўйноқлаб ётган ҳилолнинг унинг мугизларига ўхшаши, тўлқинлар оғушида қувнаб чўмилаётган болаларни “туртиб сузиши” табиий қабул қилинади. Шавкат ана шу табиийликни шеърнинг таржимасида ҳам бера билган.

Хуллас, Шавкат Раҳмоннинг таржимонлик фаолияти ҳам унинг шоирлиги каби ёниқ юрак алангаси маҳсули эди.

Ш.Раҳмон ўзини аямайдиган, зиммасидаги юкини енгиллатишни ўйламайдиган йўл аҳлидан эди. Шунгамикин, у ёлғон дунёни жуда вақтли ташлаб кетди. Аммо, яхшиямки, умр фақат яшалган йиллардан иборат эмас. Қилган амаллар ҳисоб экан. Бир вақтлар Шавкат Раҳмон элликка кирганлар ҳақида ёзганди:

*Бир нечта юзи бор...  
Хатар чоғида  
юзин алмаштирар худди терликдай,  
зиён-заҳмат кўрмай, баҳор боғидай –  
бир кун кириб келди элликка.*

Бу мисралар унинг элликка кирган ва ундан ошиб кетган жўраларини, эрта бир кун элликка кирадиган иниларини одам деган улуғ номга муносиброқ яшашга ундаб туради. Чинакам ижодкор башоратчи бўлади. У хоҳлаб-хоҳламай, ўз бахтини ҳам, бахтсизлигини ҳам башорат қила билади. Негаки, у ғайб олами билан сирдош, ўша ёқнинг вакили. Шу боис ҳам ернинг ташвишлари, рўзғорнинг муаммолари уларни камроқ безовта қилади. Улар ўз юксак маъволарида яшай билганликлари учун ҳам баланддирлар. Яхшиямки, оламда қалби буюрганидай яшай оладиган, тўсиқларга қарамай кўзлаган манзилига интилаверадиган ўжар зотлар бор. Бу серғавго дунё шундайлар елкасида турибди.

Шавкат Раҳмондаги баланд руҳ, эркин кўнгил атрофга тийрак назар билан ҳушёр қараш имконини беради. Руҳ уйғоқлиги, кўнгил эркинлиги шоирга қутилмаган ташбиҳларни тақдим этади. Руҳи қолипда бўлган кишининг фикри ҳам, туйғулари ҳам бўғовда ва унинг яратиклари эса озодликда ҳам қафасда бўлади. Чунки фикр ҳам, туйғу ҳам яратик сифатида яратувчисининг қандайлигига боғлиқ. Шавкат эркин руҳ кишиси ўлароқ тортган жафолари, туйган руҳий изтиробларига қарамай некбин бўлиб, эзгуликка умид билан яшай олди:

*...Бироқ ерда мангу яшайдир  
кўҳна юзим, ўйчан кўзларим,*

демак, ўлмас бу дунёда ҳеч  
Худо берган эзгу сўзларим...

Ўтюррак шоир ва дилбар шахс Шавкат Раҳмоннинг эзгу сўзлари мангу  
яшаш хусусиятига эга!

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,  
педагогика фанлари доктори,  
профессор

## Федерико Гарсио ЛОРКА

(1898–1936)

Испан ва рус тилидан  
Шавкат РАҲМОН  
таржималари

### ҚИШЛОҚ

Тог ўрагида  
Танҳо жом минор.  
Шан сувлари,  
Асрий  
Зайтунлари бор.  
Ёмғирпўшли каслар  
Жимликни бузар,

Пиртирак айланар,  
Айланар  
Ҳар чоқ.  
Шўрлик  
Андалусда  
йўқолган  
қишлоқ.

### ЙЎЛ

Қора кийган юз сувори қаён борар  
норанжзорга соя солган самоларда?  
Бормаслар Севиллага Қурдобага,  
денгизларни соҳинган Ғарнотага.

Жилови бўш мудроқ отлар, отлар борар,  
қўшиқларни зир титратган зуннорзорда.  
Юзта фарёд парчинланган, қаён борар  
андалуслик юз сувори норанжзорда?

### ЧИҒАНОҚ

Денгиз чиганогин беришди менга.  
Харитадаги  
денгизларнинг гулдурашини  
эшитиб қолдим.  
Зулмату нуқрадан яралган  
суву балиқлар  
юрагимга тўлди лиммо-лим.  
Денгиз чиганогин беришди менга.